

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ректор _____ Ш.Сирожиддинов

201__ йил “__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди
201__ йил “__” _____



ТАСАВВУФ ВА БАДИИЙ ИЖОД

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000– Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши: 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(Ўзбек тили)

ТОШКЕНТ – 20__

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” _____ даги “___”-сонли буйругининг ___-илуваси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил “___” _____ даги ___ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ишлаб чиқилди.

ТУЗУВЧИ:


К. Муллаҳўжаева – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи фольклор” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

ТАҚРИЗЧИЛАР:

С. Рафиддинов – ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Н. Жабборов – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Фан дастури Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “06” 07 даги 13 - сонли баённома).



I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Мамлакатимизда таълим тизимида кўрилаётган самарали чора-тадбирлар натижасида ривожланишнинг ўзига хос янги йўлига кирмоқда. «Таълим тўғрисидаги қонун», Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳамда шулар асосидаги «Давлат таълим стандарти»да бу ўзгаришларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари аниқ, равшан белгилаб қўйилган. Маънавий етуқ, баркамол авлодни тарбиялаш, замон талабларига жавоб бера оладиган малакали миллий кадрлар тайёрлаш бу ислохотларнинг моҳиятини ташкил этади. Бу борада аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий меросни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Дастур ихтисослик фанининг талабларидан келиб чиққан ҳолда тасаввуф назарияси ва тарихи, тасаввуфий адабиётнинг шаклланиши ва таракқиёти, тасаввуф ва бадий ижод муаммолари ҳамда тасаввуф эстетикаси масалаларини ўрганиш тавсия этилади. Ушбу қан талабаларнинг “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Навоийшунослик” фанидан олган билимлари асосига қурилган бўлиб, уни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш максалида республикамиз ва хориж олимлари, шу жумладан, университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илмий-педагогик тажрибалар натижаларига суянилди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Мазкур фан бўйича талабалар дастлаб тасаввуф тарихи ва назариясига доир тавсия этилган бирламчи манбалар: рисола, манқаб, мақомот ва тақрирлар мазмуни билан танишишлари лозим. Тасаввуфнинг маншай ва манбалари ҳисобланган Қуръони қарим, Ҳадиси шариф, тафсири ва қалом илмига оид бирламчи маълумотлардан хабардор бўлишлари масаланинг моҳиятига етишга ёрдам беради. Тасаввуф тарихига оид манбалар билан бир қаторда Марказий Осиёдаги тасаввуф тариқатлари, юртимиздан чиққан буюк мутасаввифларнинг манқабавий ҳаёт йўли ва уларнинг машҳур асарлари мазмунини ҳам билишлари керак бўлади. Булардан ташқари, бадий асарлар таркибидаги ирфоний ва тасаввуфий ғоя ва талқинларни англаши, рамз ва тимсоллар маънолари ҳақида *билимга эга бўлиши;*

Тавсия этилган бадий асарларни таҳлил қилиш ва бунинг натижасида мутасаввиф адиблар ёки тасаввуфий тариқатлар мазмунига доир қарашларни ўзлаштириш *қўникмасига эга бўлиши талаб этилади;*

Ўзбек мумтоз поетикаси асослари доирасида бадийлик моҳияти, мумтоз адабиётдаги тур ва жанрлар муносабати, аруз, қофия, шеърий санъатлар, бадий нутқ ва услубга доир бирламчи манбаларни ўқиб, уларнинг мазмунини тушунтира олиши керак. Айрим назарий масалаларнинг илдизларига мурожаат қилиб, адабий ҳодисанинг бугунги номланиши билан мумтоз адабиётшуносликдаги истилоҳий муносабатларини англаши лозим. Мумтоз адабиёт намуналарининг ифода шакли, жанр хусусиятлари, вазн талаблари, уларда қўлланилган қофия тизими, шеърий санъатларни аниқлай

билиши ҳамда тил ва услубларига доир таҳлилларни амалга ошириш *малакасига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари)

1-мавзу. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш тарихи ва манбалари

Тасаввуф ислом бағрида пайдо бўлган таълимот. Қуръони каримдаги суфиёна оятлар, ҳадислар (жумладан, “Ман арафа нафсиҳи арафати раббихи”, яъни “Кимки ўзини таниса, раббини танийди” каби), Аҳли суффа жамоати, Ҳазрати Пайғамбар с.а.в.нинг фақирлик ва гўшанишинлик хислатлари. Набилек ва валилик.

Уммавия халифаларнинг замонидаги норозиликлар ва исломдаги бўлинишлар. Зоҳидлик ҳаракати. Зоҳидлик ва суфийлик орасидаги муносабат. Ишқ билан покланиб Худо васлига етиш ғояси. Меърож ва тасаввуф. Илоҳия муҳаббат. Робия Адвия, Иброҳим Адхам, Ҳасан Басрий ҳаёти ва фаолияти. VIII аср ўрталарида тасаввуфнинг алоҳида таълимот сифатида шаклланиши. Тасаввуфнинг уч таркибий қисми (тарикат, маърифат ва ҳақиқат) ва унинг шариат билан боғлиқлиги. Тасаввуф таълимотининг асосий талаблари (риёзат, иродат, муҳаббат, узлат, саодат) ва таракқиёт босқичлари. Даврлаштириш усуллари.

Тасаввуфни ўрганиш манбалари; “Тазкират ул-авлиёлар”, маноклиблар, ҳолномалар, адабий ва тарихий асарлар. Шунингдек, Ибн Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Калободий, Қушайрий, Хужвирий, Саррож, Шабустарий каби назариётчиларнинг асарлари. Эрон, Миср ва Туркияда нашр бўлган луғат ва комуслар ҳақида маълумот.

2-мавзу. Тарикат ва мақомот

Тарикат (йўл) – тасаввуфнинг амалий йўл-йўриғи. Хонақоҳларнинг пайдо бўлиши. Пир-муридлик одоби ва қоидалари. Зуннун Мисрий фаолияти (X аср ўрталари), Жунайд Боғдодий ва Абубақр Шиблийнинг ваъз ва китоблари. Мақомот тушунчаси ва унинг моҳияти. Солиқнинг илоҳ томон сайру сафари. Икки хил солиқ. Мажзублик ва жазбага етиш талаби. Рухий-маънавий покланиш босқичлари.

Тавбадан ризогача. Чилла ўтириш (арбаъа), фақирлик ва мискинлик. Қаноат. Ўз меҳнати билан кун кўриш. “Ризқи ҳалол”. Тасаввуф ва шаҳар хунарамдларининг кайфияти. Тасаввуф ва зиёлилар. Нафс тушунчаси ва унинг турлари. Нафси аммолага қарши кураш ғояси. Аноният (кибр) тушунчаси ва “Мен” ва “Сен”нинг бирлашув ғояси. Изтироб ва риёзат роҳати.

3-мавзу. Тарикат ва шариат

Шариат – тарикатнинг пойдевори, қобиғи. Тарикат – мағз, шариат – жилд ғояси. Тарикат билан шариат орасидаги ихтилоф. “Ло раҳбонийи фи исломи” (Исломда роҳиблик йўқ) ҳадиси талқини. “Ал фақру – фахри” (Фақрлик – менинг фаҳрим) ҳадиси. Тарикатдаги ортиқча риёзатлар

ва унинг шариатга тўғри келмаслиги. Имонни икки хил тушуниш. Комил инсон ғоясига шариат аҳлининг эътирози.

Имом муҳаммад Ғаззолий ҳаёти ва асарлари Донишмандларнинг шарифт илми билан қаноатланмай тарикатга юз тутиши. Тасаввуф кўнгил аҳлининг, файласуфлар, донишманд инсонлар руҳини қондирувчи таълимот эканлиги. Тасаввуф ва фикрий демократия, руҳ озодлиги.

4-мавзу. Маърифат ва ҳақиқат

Маърифат сўзининг маънолари. Илоҳий маърифат йўллари. Ирфон – билиш назарияси. Ақлий билиш, руҳий-ҳиссий билиш ва ҳол мақомидаги билиш. Ҳол мартабаси ва унинг талқини. Илми ҳол ва илми қол. Самоъ мажлислари, зикр тушиш тартиби. Зикр талқини, хирка кийдириш, суҳбат одоби. “Сукра” ва “саҳл” (мастлик ва ҳушёрлик) тушунчалари. Важд – экстаз ҳолати. Ишроқ назарияси. Васл ва ҳижрон. Боязид Бистомий ва Жунайд Бағдодий қарашлари асосида шаклланган тасаввуфдаги икки оқим. Ақлий билиш ва важдий билиш орасидаги муносабат. Каромат ва башорат шарҳи.

Тасаввуфда Ҳақ ва ҳақиқат тушунчаси. Ҳаққа етишнинг (Ҳақни билишнинг) уч босқичи: илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳаққ ул-яқин. Шамъ ва парвона, ботин ва зоҳир, сурат ва сийрат тушунчалари. Ҳақ – парвардигорнинг ўзи, ҳақиқат – парвардигор олами эканлиги. Ваҳдат ва қасрат тушунчалари. Жавҳар ва асмо, зот ва сифат тушунчалари.

Солиқнинг мақсади – Ҳақ васлига етиш, ҳақиқатни англаш эса Илоҳни англаш ва ўзини англашдир.

5-мавзу. Тасаввуфда ҳол ва фано тушунчалари

Ҳол тушунчасининг шарҳи. Ҳол даражалари. Муқошифа ва муқокиба. Робита ва ғайб илмини билиш, ғайб оламидан хабар бериш.

Фано сўзининг маъноси. Навоийдаги “фақру фано” ғояси талқини. Ҳол тушунчасининг шарҳи. Ҳол даражалари. Муқошифа ва муқокиба. Робита ва ғайб илмини билиш, ғайб оламидан хабар бериш.

Фано сўзининг маъноси. Навоийдаги “фақру фано” ғояси талқини. Фонийлик – нафсни тарк этиш демак. Ахлоқи замима ва ахлоқи ҳамида. Фонийлик ва беҳудлик. Мансур Халлож таълимоти. Аналҳақ шарҳи. Фаридиддин Атторнинг инсонга берган таърифи ва фано ҳақидаги фикри. Мансур – илоҳий ҳақиқатни ифодалаган сиймо.

6-мавзу. Тасаввуф силсилалари

Силсила(занжир) ва шажара(дарахт) тушунчалари. Силсилани Муҳаммад пайғамбар с.а.в.га олиб бориб боғлаш аъёнаси ва бунинг сабаблари. Нури Муҳаммадия ғояси. Ғойибона маънавий руҳланиш, увайсийлик. Ўз пири ва ўзга пирлардан таълим олиш. Тарикатлар орасидаги фарқлар ва умумийликлар. Пир истеъдоди ва йўли. Сунний ва шиъа йўналишидаги силсилалар, қоришиқ силсилалар. Арабистон мамлакатлари, Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонда шаклланган силсилалар. Арабистон мамлакатлари, Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонда шаклланган силсилалар.

Сухравардия, Нурия, Чиштия, Бектошия, Мавлавия тарикатлари, уларнинг удумлари, таълимоти.

7-мавзу. Марказий Осиёдаги тарикатлар

Марказий Осиё – тасаввуф таълимоти ривожланган улуг макон. Мовароуннахр ва Туркистон пирлари, шайхлари. Илми калом, илми хикмат ва илми тавхид(тасаввуф) назариётчилари. алломалари.

Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий ва яссавийлик тарикати. Хуросон ва Мовароуннахр тарикатлари. Хожа Абуъяқуб Юсуф Ҳамадоний фаолияти. Абулхайр Абусаид ва Ибн Сино, Нажмиддин Кубро ва Хоразм шайхлари. Кубравия тарикатининг моҳияти, ундан ажралиб чиққан силсилалар. Нажмиддин Кубро шогирдлари фаолияти.

Ҳазрати Баҳовуддин Накшбанд ва накшбандия тарикати. Абдуҳолик Ғиждувоний асос солган хожагон силсилалари ва унинг роли. Муҳаммад Баҳовуддин Накшбанднинг ҳаёти, таълимоти, рукнлари. Зикри ҳафий ва зикри жарий(жаҳрий). Хилват ва анжуман коцепцияси. Сафар дар ватан, назар дар қадам, хуш дар дам рукнларини тушунтириш. Пайгамбар изидан бориш ва тарикатни шарият билан келиштириш. Тасаввуфнинг табақалар ва миллат-элатлар орасидаги муҳолафатни юзага келиштириш миссияси. Накшбандий ва мулкдорлар синфи. “Шоҳу гадо” ғояси.

Накшбандия шажараси. Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Вали, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожагий Косоний фаолиятида накшбандиянинг ривожи.

8-мавзу. Тасаввуф ва фалсафа

Тасаввуф ривожда олами англаш, дунёкараш томоннинг ривожи. Дунёнинг яратилиши, одам ва олам муносабати масаласида дин, фалсафа ва тасаввуф. Олами кубро ва олами суғро назарияси. Ибн Арабий фаолияти, асарлари ва қарашлари. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси. Пантеизм ва тасаввуф фалсафаси. Ваҳдат ва қасрат олами. Олами жабарут, олами малакут, олами мулк ва бадан олами. Кўнгил масаласи. Рух ва вужуд. Мутлак рух тушунчаси. Олам – мутлак рух (Ҳақ таоло) кўзгуси. Тажаллий назарияси. Дунё Худонинг сифатлари ва исмларидан иборат. Инсон руҳининг тараққий этиб, Мутлак Рухга қўшилиши.

Ваҳдат ул-шуҳуд – инсон Аллоҳ нурининг мужассами. Аллоҳни инсон орқали таниш. Инсон – Худо вужудининг гувоҳи.

9-мавзу. Тасаввуфда комил инсон тушунчаси

Тасаввуфда руҳий-маънавий камолот. Инсон тараққийнинг чекланганлиги ва чексизлиги ҳақида баҳс. Камолот мартабалари ва валилик тушунчаси. Ҳақим Термизий таълимоти. Абдол, аҳрор, автод, аброр, чилтон, кутб мартабалари. Каромат хислати. Туш қўриш ва башорат қилиш, назар ва нафснинг ўткирлиги. Азизиддин Насафий қарашлари.

Комил инсон – валиликнинг олий даражаси. Комил инсонга таъриф: у жами зоҳирий ва ботиний, дунёвий ва уҳравий илмларнинг жамулжами,

башарийликдан илоҳийликка кўтарилган зот. Руҳий кудрат ва жисмоний кудрат. Комил инсон сифатлари. Комил инсон одамлар хизматида. Комил инсон ахлоқи бошқаларга ибрат ва намуна, кишилар интиладиган машғал. Комил инсон суфийна адабиёт идеали.

10-мавзу. Тасаввуф ва бадний ижод

Суфий сўзининг келиб чиқиши. Суфийга таъриф. Тасаввуфда қалб ва ишк масаласи. Суфийларнинг адабиёт намуналаридан фойдаланишлари. Суфий руҳияти билан ижод аҳли руҳияти яқинлиги: жазба ва илҳом. Тасаввуф ғоялари ва гуманистик адиблар ижоди. Илоҳий ишқни қуйлаш ва бу орқали энг эзгу, энг халқчил ва армонли ғояларни ифодалаш. Тасаввуф адабиётининг ташкил топиши(шаклланиши). Тасаввуфда даъват ва бунда шеърятнинг роли (Аҳмад Яссавий мисолида). Насихат адабиёти эстетикаси. Умуман тасаввуфнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари. Мутлак хусн, Мутлак жамол ва Мутлак камол.

11-мавзу. Тасаввуф тимсоллари

Тасаввуф истилоҳоти, кўчма маъноли рамзлари. Тасаввуф адабиётининг ўзига хос тили ва услуби. Тасаввуф адабиёти тимсоллари. Тимсоллар таснифи. Инсон вужуди билан боғлиқ тимсоллар, табиат билан боғлиқ тимсоллар, шарият билан боғлиқ тимсоллар ва ҳоказо.

Май, ёр, маъшуқа, ошиқ, ҳаёт, оби ҳаёт, дилбар, дилдор, хур, қадах, зулф, қад, лаъли лаб ва бошқа сўз-тушунчаларнинг суфийна маънолари.

12-мавзу. Тасаввуф адабиётининг жанр хусусиятлари

Тасаввуф адабиётининг жанрлари таснифи: аллегорик адабиёт, насихат адабиёти, орифона адабиёт, ошиқона адабиёт, зоҳидона адабиёт. Манокиб адабиёти ва унинг хусусиятлари. Ҳикоят ва масаллардан фойдаланиш. Ҳикоятлар типологияси. Шайх ва дарвешлар образи.

Суфийлар ҳақидаги халқ ривоятлари. “Қиссаи Машраб”, “Қиссаи Бобо Равшан” типидagi асарлар хусусияти. Нишотийнинг “Хусну Дил” достони – рамзий-аллегорик асар. “Мантик ут-тай”, “Уштурнома”, “Булбулнома”(Фаридиддин Аттор) типидagi асарлар хусусияти. Навоий “Ҳамса”сида тасаввуф. Машраб тасаввуфи.

13-мавзу. Тасаввуфда муҳаббат талқини

Ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий тушунчалари. “Ал мажозу қантарат ул-ҳақиқат” иборасининг маъноси. Муҳаббатнинг Ғаззолий асарларидаги таъриф ва таснифи. Беш хил муҳаббат. Илоҳга бўлган муҳаббат қонуний ва зарурийдир. Ибодат ҳам муҳаббатдир. Еру Кўк ашёлари, малақлар ва инсу жинс Тангрига ибодат қилар экан, улар ўз муҳаббатини изҳор этади. Муҳаббат кишини покловчи, тамаъ ва ғаразлардан халос этувчи қуч, мисни зарга айлантирувчи қимё. Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Фарҳод ва Ширин, Шайх Санъон мисоллари. Суфийлар муҳаббати ва оила. Илоҳий муҳаббат ва дунё муҳаббати. Тажрид ва тафрид тушунчалари. Муҳаббат –

изтироб, мухаббат – шукух. Жалолиддин Румий, Боборахим Машраб мухаббат хақида.

14-мавзу. Тасаввуф ва футувват

Жавонмардлик(футувват)нинг моҳияти. Жавонмардлар нияти ва химмати. Ўзни бошқалар учун фидо қилиш ғояси. Ўзни бошқалар учун фидо қилиш ғояси. Махфий жамоалар ва уларнинг ўзаро аҳду паймонлари, расм-русуми, феъл-одатлари.

Тасаввуф жавонмардлар учун эътиқод ўрнида. Жавонмардлик эса тасаввуф ниятларининг амалга ошириши. Кўплаб суфийларнинг жавонмардликка рағбати борлиги. Абусаид Абулхайр, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Баховуддин Накшбанд футувватни тарикат билан қўшганлар. Жавонмардлик тасаввуфни гўшанишинликдан олиб чиқди, қалб саховатини бош ширга айлантирди.

Хизмат ва саховат, ҳақ йўлида шижоат ва ғайратни тарғиб этиш. Футувватнинг озодлик ҳаракатлари билан алоқаси.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлардан бакалаврларнинг асарларни ўқиш, таҳлил қилиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиши ва эришилган натижаларни келгуси фаолиятларида қўллаш билиши назарда тутилади. Шунингдек, амалий машғулотларни ташкил этишда, асосан, бирламчи назарий манбалар бўйича савол-жавоблар уюштирилади. Савол-жавоблар жараёнида мавзуларнинг умумий хусусиятлари хақида умумлашмаларга келинади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тасаввуфнинг пайдо бўлиш тарихи ва манбалари.
2. Тарикат мақомлари.
3. Маърифат ва ҳақиқат.
4. Тасаввуф силсилалари.
5. Марказий Осиёдаги тарикатлар.
6. Тасаввуфда комил инсон тушунчаси.
7. Тасаввуф ва бадий ижод.
8. Тасаввуф тимсоллари.
9. Тасаввуфда қалб ва ишқ масаласи.
10. Тасаввуф ғоялари ва гуманистик адиблар ижоди.
11. Тасаввуфда даъват ва бунда шеърининг роли (Аҳмад Яссавий мисолида).
12. Тасаввуфнинг гўзаллик хақидаги қарашлари. Мутлақ ҳусн, Мутлақ жамол ва Мутлақ камол.

V. Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари, асосан, талаба махсус тайёрланган мавзулар асосида ўтказилиши режалаштирилган бўлиб. Ўқувчи амалий машғулот режаларини бир неча дарс аввалдан талабаларга етказди. Дарс давомида талабалар белгиланган режа асосида бирламчи манбалардан ўзлаштирган мавзулар талқини, бадий асарлар таҳлили ва айрим йирик мутасаввиф адиблар фаолиятига доир кузатишларини баён қилдилар. Семинар машғулотларини қуйидаги мавзулар асосида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” асарида илоҳий маърифат.
2. Туркигўй шоирлар ижодида нақшбандийлик ғояларининг бадий инъикоси.
3. Ҳамдлар ва бадий масалалари.
4. Наът газалларининг ғоявий-бадий хусусиятлари.
5. “Ашрақат мин акси шамс ил-қаъси анвор ул-худо...”(Алишер Навоий) газалининг таҳлили.
6. “Лисон ут-тайр” асарининг таҳлили.
7. Машраб ижодида каландарийлик тарикати муаммоларининг ас этиши.
8. Навоий ва Бобурнинг аруз хақидаги рисолалари киёсий таҳлили.
9. Мумтоз адабиётшуносликда адабий тур ва жанрлар хақидаги фикр тараққиёти.

VI. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

“Тасаввуф ва бадий ижод” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва кўникама ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажардилар. Бунда улар бадий адабиётларни мутолаа қилдилар, таҳлил ва талқин этадилар; қўшимча адабиётлар ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб, рефератлар ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий ва семинар машғулотлари мавзусига доир уй вазифаларини бажардилар, кўргазмали қуроқлар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Яссавийлик ва унинг назарий асослари (“Факрнома” асосида).
2. “Девони ҳикмат”нинг поэтик хусусиятлари.
3. “Насойим ул-мухаббат” асарида ўзбек мутасаввифлари ва машойихлари талқини.
4. Навоий шеърининг таълимидаги тасаввуфий тимсоллар.

5. Навоий “Хамса”да комил инсон шахси масаласи.
6. Бобур ижодида тасаввуф.
7. Сўфи Оллоҳёр рисолаларида иймон ва маърифат тарғиби.
8. Машраб ижодида каландарийлик тарикати муаммоларининг акс этиши.
9. Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва тарикати асослари.
10. Ғарб олимлари талқинида тасаввуф тарикатларининг ҳудудлараро таснифи (Ж.Триминг эм).
11. Хужвирийнинг “Кашфу-л-махжуб” асарида зикр қилинган тарикатлар.
12. “Тазкирату-л-авлиё”да сўфийлар тарихи. Фаридиддин Аттор издошлари.
13. Тавҳид асрори. Ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд талқини (Фаридидин Атторнинг “Жавҳару-з-зот” асари асосида).
14. Фаридидин Атторнинг “Илоҳийнома” асарида Рух ва ситтаи қувва (олги асос) талқини.
15. Фаридидин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарида Тавҳид фалсафаси.
16. Имом Ғаззолийнинг “Кимйи саодат” асарида кўнғил фалсафаси.
17. Имом Ғаззолийнинг “Иҳйои улум ад-дин” (“Диний илмларнинг тирилиши”) асари талқини.
18. Тасаввуфнинг ирфоний мақомлари: шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқат.
19. Таълимий жиҳатдан Аллоҳни билишда уч маърифий босқич: 1) илму-л-якин; 2) айну-л-якин; 3) ҳаққу-л-якин (“Мукошафату-л-қулуб” асосида).
20. Қаландарийликнинг назарий асослари (Абдурахим Бухорийнинг “Рисолайи одоби торик” асари).
21. Тасаввуфнинг “ватани” хусусидаги қарашлар.
22. Тасаввуф пайдо бўлган давр ҳақидаги қарашлар.
23. Зухд ва таквога алоҳида эътибор. Зоҳидлар илк мутасаввифлар сифатида.
24. Фано ва тарикат тушунчаларининг Абу Йазид (Бойазид) Бистомий томонидан асосланиши.
25. Мансур Халлож таълимоти.
26. Ибн Сино ва ирфоний ишқ фалсафаси.
27. Хожагон тарикати ва унинг яратилишида Абдуҳолик Ғиждувоний фаолияти.
28. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти. “Дил ба ёру даст ба қор”нинг моҳияти.
29. Мақомотларда нақшбандийликнинг сулук йўли, дарвишлик сифати, ахвол ва ахлоқлари (Абул Муҳсин Боқирнинг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асари).

30. Ҳақим Сулаймон ота хикматлари.

VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари Асосий адабиётлар

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. 1-10 ж.
2. Н. Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т., 1996.
3. Ислоҳ тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Т.: Ўқитувчи, 2005.
4. Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2006; 2008.
5. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балого. – Т.: 1996.

Қўшимча адабиётлар

6. Куръони қарим. Матн, таржима, шарҳ. – Т.: Ислоҳ университети нашриёти, 2000.
7. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001; Лисону-т-тайр. – Т.: 1991; Муножот (нашрга тайёрл. С. Ғаниева). – Т.: Шарқ, 1991.
8. Абу Абдуллоҳ Бухорий. Ал-жомийъ ус-саҳих. 1-2 жилдлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2008.
9. Из истории суфизма: Источники и социальная практика // Коллектив. – Ташкент: Фан, 1991.
10. Бобур. Мухтасар. – Т.: 1971; Мубаййин. – Т.: 2001.
11. Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. (Мақолалар тўплами). Т.: Ўзбекистон, 1994.
12. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005.
13. Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. – Т., 1991.
14. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони хикмат – Т., 1992.
15. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. 1-6 китоб. – Т., 1999–2005.
16. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Т., 1991.
17. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. – Т., 1991.
18. Хўжаназар Хувайдо. Роҳати дил. – Т., 1994.
19. Машраб. Мабдаи Нур. – Т., 1994.
20. А. Аъзамов. Муножотнома. – Наманган: 1997, – Т., 2001.
21. Кароматов Ҳ. Куръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993.
22. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-2 китоб. – Т.: 1996, 1998.
23. Фитрат. Аҳмад Яссавий, Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар, Машраб. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000.
24. Ё. Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: 2002.
25. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: 2004.

26. Сирожидинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
27. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.:Ўзбекистон, 2014.

Интернет манбалари

28. www.tdru.uz
29. www.pedagog.uz
30. www.ziyounet.uz
31. www.edu.uz
32. www.uzbekadabiyoti.com
33. www.literature.uz.